# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2013 йил 12 декабрь, № 243 (5917) Пайшанба


# БАРКАМОЛ АВЛОД САОДАТИ

**фарзандларимизни жисмоний ва маънавий етук қилиб тарбиялаш борасида амалга оширилаётган эзгу ишларда ўз ифодасини топмоқда**



2013 йилда республикамизда **756** та таълим маскани, мусиқа ва санъат мактаблари, болалар спорти объектлари янгитдан қурилди, реконструкция қилинди ва капитал таъмирланди. Замонавий компьютер синфлари, ўқув лабораториялари, устахоналар ташкил этилиб, зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.





Шомурот ШАРАПОВ ва Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

## 2014 ЙИЛ — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

Ҳар йили дунё бўйича турли соҳаларга оид таҳлил натижалари, рейтинг кўрсаткичлари, хулосалар эълон қилинади. Албатта, уларнинг ҳаммасини ҳам холисона деб бўлмайди. Аммо халқаро миқёсда ўзига хос нуфузга, мавқега эга шундай ташкилотлар борки, уларнинг баҳолаш мезонлари, тақдим этадиган маълумотларига мавжуд аҳволни билиш, мулоҳаза юритиб кўриш учун муҳим далил сифатида қаралади. Масалан, БМТнинг ЮНЕСКО ташкилоти ўз йўналишидан келиб чиқиб, таълим, фан ва маданият соҳаларига тегишли таҳлилларини баён қилиб туради. Яқинда Қатар пойтахти Доҳа шаҳрида таълим бўйича ўтказилган Бутунжаҳон инновация саммитида мазкур ташкилот бош директори Ирина Бокова қуйидаги статистикани келтирди: айни пайтда дунё бўйича 57 миллион нафар бола мактабда ўқиш имкониятига эга эмас. Сифатсиз таълим туфайли 250 миллион нафар бола ўқиш ва ёзишни билмайди. Ваҳолонки, таълим олиш инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири ҳисобланади...

Ана энди халқимиз таъбири билан айтганда, дўппини бошдан олиб, бир мулоҳаза юритиб кўринг. Биласиз, бизда фарзанд тарбиясига ниҳоятда ғамхўрлик билан аҳамият қаратилади. Ўғил-қизларимизнинг эртанги куни, тақдири, комил инсон сифатида вояга етиши учун давлатимизнинг ўзи барча ишда бош-қош. Бу борада мустаҳкам ҳуқуқий асослар мавжуд. Хусусан, Конституциямизнинг 41-моддасида "Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади", дея қайд этилган. Мазкур тамойилдан келиб чиқиб, мустақиллик йилларида таълим тизимини ислоҳ қилишга қаратилган қатор ҳужжатлар қабул қилинди. "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг ҳаётга изчил татбиқ этилгани туфайли умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари бунёд этилиб, моддий-техник базаси яхшиланди. 12 йиллик мажбурий таълимнинг жорий қилиниши ёшларнинг чуқур билим эгаллаши, қизиқиши, имконияти ва салоҳиятидан тўлиқ фойдаланган ҳолда муносиб касб танлаши, шу орқали жамиятда ўз ўрнини топишида муҳим омил бўлмоқда.

(Давоми 4-бетда).

*12 декабрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси очилади.*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

11 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда ишчи гуруҳ раҳбарининг бўлажак ялпи мажлисни ўтказишга тайёргарлик кўриш ҳақидаги ахбороти тингланди.

Сенат қўмиталарининг раислари қўмиталарда ўтказилган мажлислар ва ўн учинчи ялпи мажлис муҳокамасига киритилган қонунлар юзасидан хулосалар ҳамда бошқа масалалар бўйича қарорларнинг лойиҳалари тайёрлиги ҳақида ахборот бердилар, ялпи мажлис ишини ташкил этиш юзасидан фикр алмашдилар.

Кенгаш мажлисида Сенатнинг бўлажак ялпи мажлисида 16 та масала, шу жумладан, 9 та қонун кўриб чиқилиши назарда тутилаётганлиги кўрсатиб ўтилди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги Давлат бюджети, шунингдек, 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг кўриб чиқилиши ҳамда тасдиқланиши долзарб ва аҳамиятли эканлигини таъкидладилар.

Кенгаш аъзолари Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига киритилаётган, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг ҳамма соҳаларини изчил ислоҳ қилиш ҳамда либераллаштиришга, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси қонунларининг муҳимлигини алоҳида қайд этдилар. Бундай қонунлар жумласига «Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги, «Экологик назорат тўғрисида»ги, «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқалар киради.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг ваколатларига киритилган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.**

**Чэн Гопин:**

# Ўзбекистон тараққиёт ва фаровонлик йўлидан ишонч билан бормоқда

*Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллиги байрами муносабати билан Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Чэн Гопин "Жаҳон" ахборот агентлигига интервью берди.*

## ЭЪТИРОФ

У бўлиб ўтган мулоқот чоғида мамлакатимиз Асосий Қонунининг демократик ҳуқуқий давлат ҳамда фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ўрни ва аҳамияти ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди.

— Хитой томони мустақил ривожланишнинг 22 йили давомида Ўзбекистон ўзининг миллий тараққиёт йўлидан бораётганини мамнуният билан қайд этади. Республикада давлат суверенитети, мустақиллик ҳамда унинг қадр-қиммати кафолатланган ва ҳимоя қилинган, жамиятда барқарорлик мунтазам равишда таъминланмоқда, иқтисодиёт изчил ривожланаяпти, халқ фаровонлиги ошмоқда. Мамлакатнинг 1992 йили қабул қилинган Конституцияси давлат тараққиёти ва барқарорликнинг таъминланиши учун ҳуқуқий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этиб келаётганини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди.

(Давоми 2-бетда).

# Ютуқлар пойдевори

## ДИЛ СЎЗИ

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида мамлакатимиз иқтисодиётини изчил ва барқарор ривожлантириш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтиришда кичик бизнеснинг ўрни ғоятда катта эканлигини алоҳида таъкидлаб, жумладан, шундай дедилар: "Биз мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг тараққиёти, хусусий мулкнинг жадал ривожи учун ғоят қулай ва устувор шароитларни яратиб берар эканмиз, аввало, шуларнинг ҳисобидан иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатларини тезлаштириш, аҳолимизнинг иш билан банд бўлиши ва даромад топиши билан бир қаторда, биз учун янги бўлган, демократик ислоҳотларнинг асосий таянчи ва ҳаракатлантирувчи кучи — ўрта синфни шакллантиришни кўзда тутамиз".

Чиндан ҳам, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига қаратилаётган эътибор, яратиб берилаётган қулай шарт-шароит туфайли бу соҳа мамлакатимиз иқтисодиётининг таянч устунларидан бирига айланди. Ушбу ҳаракат чекка ҳудудларда ҳам кенг қулоч ёзиб, ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, аҳолининг бандлик даражасини оширишга муносиб ҳисса қўшаётгани, айниқса, қувонарлидир.

Якунланаётган Обод турмуш йилида кичик бизнеснинг муҳим йўналиши бўлган оилавий тадбиркорлик равнақида ҳам янги давр бошланди, десак, хато бўлмайди. Чунки Давлат дастури доирасида мазкур соҳани янада тараққий эттириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилган эди. Унинг изчил ижроси таъминланаётгани эса ишбилармонлар сафи кенгайишига хизмат қилди. Бунинг яққол тасдиғи сифатида республикамизда аёлларни тадбиркорликка кенг жалб этиш мақсадида тижорат банклари томонидан 117 миллиард сўмдан зиёд кредит маблағи ажратилганини айтиш ўринлидир. Бу эса, ўз навбатида, қанчадан-қанча хотин-қизларга ўз ишини топиб, оиласи, эл-юртимиз учун фойда келтириш, ҳаётда ўз ўрнини эгаллаш имконини берди.

(Давоми 4-бетда).

## КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

*Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2014 йил давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан "Соғлом бола йили" деб эълон қилинди ҳамда соғлом боланинг дунёга келиши, бақувват бўлиб ўсиб-улғайиши борасида илгари сурилган устувор вазифалар қаторида маҳалла институтининг бу жараёндаги иштирокини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди, айни чоғда маҳаллалар фаолларига юксак ишонч билдирилди. Табиийки, бу фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчиларига жуда катта масъулият юклайди. Мухбиримиз давлат ва жамоат ташкилотлари вакилларининг шу хусусдаги фикрлари билан қизиқди.*

# Маҳалла — ислоҳотларнинг фаол иштирокчиси

**Э. РЎЗМЕТОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси:**

— Юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақиятини таъминлашда, шубҳасиз, маҳалла институтининг ҳам алоҳида ўрни бор. Ҳаётий мисол билан айтадиган бўлсак, қадим-қадимдан ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, ёрдамга муҳтож кимсалар ҳолидан хабар олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, тўй-томоша, ҳашар, маъракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш каби халқимизга хос урф-одат ва анъаналар ушбу мўъжаз масканда шаклланган бўлиб, истиқлол даврида янада кенг қулоч ёзди. Бунда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари билими ва фаоллиги муҳим аҳамият касб этаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Президентимиз Конституциямиз қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида маҳалла олдида турган бир қатор устувор вазифаларга алоҳида тўхталди. Жумладан, ўғил-қизларимизни турли тўгаракларга жалб этиш, кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, ўз ҳудудида тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда яна бошқа масалалар бўйича маҳалла фаолиятини кучайтириш айни зарурат экани ҳар томонлама асослаб берилди.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига юклатилган ушбу вазифалар ижросини тўлақонли таъминлаш ва мазкур хайрли ишга жамоатчиликни кенг жалб қилишда фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги жамоатчилик комиссиялари фаолиятини самарали ташкил этиш қўл келади. Айни чоғда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жойларда манфаатдор давлат органлари, жамоат ташкилотлари билан ижтимоий шериклик муносабатларини кенгайтириш ва ривожлантириш ҳам шу мақсадга хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда).

# Конституция ва сайлов қонунчилиги

*Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан "Конституция ва сайлов қонунчилиги" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.*

## ДАВРА СУҲБАТИ

Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Тошкент давлат техника университети билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, мутахассислар, олимлар, сиёсий партиялар ва Ўзбекистон экологик ҳаракати, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари, олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва талабалари қатнашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов ва бошқалар таъкидлаганидек, Конституциямиз мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларда дастуриламал ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда. Президентимиз Конституциямиз қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида алоҳида қайд этганидек, Асосий Қонунимиз Ўзбекистон тарихида, узоқ, давомли мақсад ва вазифаларимизни аниқ белгилаб беришда ўзининг пухта ўйланган тамойил ва қоидалари билан ишончли ҳамда ҳал қилувчи омил бўлди.

Бу ҳужжатда акс эттирилган сайлов ўтказишнинг демократик принциплари ва шу асосда қабул қилинган қонун ҳужжатларининг бугунги кунда нечоғли самара бераётгани мисолида ҳам буни яққол кўриш мумкин.

(Давоми 2-бетда).

# Конституция ва сайлов қонунчилиги

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хусусан, истиқлол йилларида мамлакатимизда сиёсий, давлат ва ҳуқуқий тизимлар модернизация қилиниши натижасида энг юқори демократик талабларга мос келадиган сайлов тизими йўлга қўйилди. Айни чоғда Марказий сайлов комиссияси бошчилигида давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни таъминловчи сайлов комиссияларининг яхлит мустақил тизими ташкил топди. Фуқаролар ва сиёсий партияларнинг сайлов жараёнларида эркин, фаол иштирок этиши учун зарур ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техник шароитлар, уларнинг сайлов ҳуқуқлари тўлиқ амалга оширилишининг мустаҳкам кафолати яратилди.

Сайлов қонунчилигини такомиллаштириш давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги чуқур демократик янгиланиш ва ислоҳотлар натижаси ҳисобланади. Шу ўринда давлатимиз раҳбари томонидан тақдим қилинган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси республикани ислоҳ этиш ва демократлаштириш жараёни, давлат ва жамият қурилиши соҳаси, ҳуқуқий тизим, шу жумладан, сайлов қонунчилигини янада такомиллаштиришнинг янги босқичини бошлаб берди.

Сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартишлар, албатта, тараққиётнинг ҳозирги босқичида демократиянинг муҳим белгиси бўлган сайлов жараёнларини янада либераллаштириш, унинг очиқлигини таъминлаш, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродаларини эркин ва мустақил билдиришлари учун мавжуд механизмларни янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Давра суҳбатида қайд этилганидек, Ўзбекистонда сайлов қонунчилиги ривожланиши демократик янгиланишлар — фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва такомиллаштириш, давлат бошқаруви, маъмурий-сиёсий, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларга ҳамоҳанг олиб борилаётгани тизим муваффақиятларини таъминлаётир.

Тадбирда иштирок этган сиёсий партиялар вакиллари фикрича, 2014 йил декабрида парламент ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловлар ўтказилиши муносабати билан партия электорати манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда, сайловолди дастурий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, бунда кўп партиявийлик тизимини мустаҳкамлаш ҳамда партиялараро рақобатни янада кучайтириш демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим шартларидан биридир.

Тадбирда демократик сайловларни ташкил этиш ва ўтказишда Марказий сайлов комиссияси ўрни, миллий сайлов қонунчилиги ва унинг ривожланиш босқичлари, соҳа қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳамда сиёсий партияларнинг ушбу жараёнлардаги муҳим вазифалари каби бир қатор масалалар ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Олий суд Пленуми

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.*

"Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида"ги ҳамда "Судлар томонидан фарзандликка олиш ҳақидаги ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги Пленум қарорлари лойиҳалари муҳокамасига бағишланган тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ҳамда унга тенглаштирилган судлар раислари, ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари, ҳуқуқшунослар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Олий суд раиси Б. Мустафоев мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар туфайли фуқаролар, хусусан, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари таъминлаб келинаётганини таъкидлар экан, Конституциямиз ва у асосида қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар дастуриламал бўлиб хизмат қилаётганига алоҳида тўхталди. Президентимиз томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимда эътироф этилганидек, Асосий Қонунимиз негизига қўйилган талаб ва қоидаларга тўлиқ мос келадиган, дунё ҳамжамиятида "ўзбек модели" деб ном қозонган, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўли нақадар тўғри эканини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда. Зеро, ўтган 22 йиллик мустақил тараққиётимиз давомида қўлга киритилган ютуқ ва натижаларимиз ҳам шундан далолат бериб турибди. Биргина мисол. Ўтган даврда иқтисодиётимиз 4,1 баробар ўсди.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида 2012 йил 2 майда янги таҳрирда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун тадбиркорлик учун янада кенг имкониятлар яратди. Унга киритилган муҳим янгиликлардан бири — тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги принципи мустаҳкамлангани бўлди. Унга кўра, қонун ҳужжатларидаги тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддият ва ноаниқликлар тадбиркорлик фаолияти субъектларининг фойдасига талқин қилинади.

Қонунда яна кўплаб ҳуқуқ ва имтиёзлар назарда тутилган бўлиб, булар бугун тадбиркорлик ривожида катта аҳамият касб этмоқда. Энг муҳими, унда тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари фақат суд тартибида қўлланиши қатъий белгилаб қўйилгани шу соҳа вакилларининг ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш имконини бермоқда. Суд амалиётидаги айрим мисоллар орқали бу ҳақда ёрқин тасаввурга эга бўлиш мумкин. Жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида жиноят ишлари бўйича республика судлари томонидан тадбиркорликка оид 1167 нафар шахсга нисбатан 802 та иш кўриб чиқилган ҳамда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари таъминланган.

Пленум муҳокамасига киритилган "Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида"ги қарор лойиҳаси ҳам шу мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Зеро, ушбу лойиҳа судлар томонидан тадбиркорликка оид қонунларни бир хилда қўллаш ва бу борада ягона суд амалиётини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Мажлисда Олий суд Пленумининг "Судлар томонидан фарзандликка олиш ҳақидаги ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги қарори лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди. Ушбу ҳужжат Соғлом бола йилида амалга ошириладиган устувор вазифаларни рўёбга чиқаришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади, албатта.

Якунда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Пленум йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р. Қодиров иштирок этди.

**Олий суд Матбуот хизмати.**

**Чэн Гопин:**

# Ўзбекистон тараққиёт ва фаровонлик йўлидан ишонч билан бормоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг жорий йил сентябрида Ўзбекистонга буюрган биринчи давлат ташрифи чоғида мамлакатларимиз етакчилари ўртасида муфассал фикр алмашувлар бўлиб ўтди. Бу учрашув Хитой — Ўзбекистон дўстлиги ва ҳамкорлиги тарихида янги саҳифа очди.

Мамлакатларимиз етакчилари ўртасида мавжуд бўлган илиқ муносабатлар ҳамда ўзаро дўстлик давлатларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларни янада ривожлантириш ва уларга рағбат бағишлашда муҳим аҳамият касб этаётир. ХХР Раиси Ўзбекистон раҳбарининг давлат бошқаруви соҳасидаги бой тажрибасини, айниқса, мамлакатингизда аҳоли фаровонлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишларнинг натижаларини юксак баҳолайди.

Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида хавфсизлик, барқарорлик ва доимий юксалиш кафолатланаётир, иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари кузатилмоқда, республика ҳудудида истиқомат қиладиган турли миллат ва элатлар вакиллари ўртасида ўзаро аҳиллик ҳукм сураётир. Конституцияга мувофиқ, конфессиялараро ҳамда миллатлараро ҳамжиҳатлик таъминланаяпти, миллий урф-одат ва анъаналарга ҳурмат кўрсатилмоқда. Буларнинг барчаси Ўзбекистон томонининг мазкур йўналишдаги тажрибасини ўрганиш нуқтаи назаридан биз учун жуда муҳимдир.

Хитой томони Ўзбекистоннинг тараққиёт ва фаровонлик йўлидан ишонч билан бораётганини юксак баҳолайди. Бу ўзбек халқи манфаатларига мос келиши билан бирга, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликнинг сақланиши учун ҳам фойдалидир. Умуман олганда, ХХР раҳбарияти юртингиз билан алоқаларга ўз ташқи сиёсатидаги устувор йўналишлардан бири сифатида қарагани ҳолда, Ўзбекистон билан дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини чуқурлаштиришга катта аҳамият беради.

Сўзимнинг якунида дўст ўзбек халқига бундан-да улкан муваффақиятлар, тинчлик-хотиржамлик ва фаровонлик тилайман.

**«Жаҳон» АА.**
Пекин

МОДЕРНИЗАЦИЯ

*Ночор корхоналарни қўллаб-қувватлаш, уларни салоҳиятли инвесторларга сотиш мамлакатимиз иқтисодиётини соғломлаштириш борасида кўрилаётган муҳим чора-тадбирлар сирасига киради. Бунинг самараси ўлароқ, деярли ишламай қолган корхоналар ҳам қайтадан фаолият юритиб, ички бозоримизни сифатли маҳсулотлар билан тўлдирмоқда, кўплаб янги иш ўринлари яратилишига шароит туғдирмоқда.*



# Инвестициянинг жозибадор кучи

Урганч шаҳридаги "Хоразм ипаги" масъулияти чекланган жамиятидаги янгиланишлар, жамоа томонидан қўлга киритилаётган муваффақиятлар бунга яққол мисол бўла олади. Гап шундаки, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 26 августдаги "Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарини ва объектларни хусусийлаштиришни жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига биноан, мазкур корхонанинг 30,3 фоизлик давлат улуши ва активларини сармоя киритиш эвазига инвесторга тендер асосида "ноль қиймат"да сотиш белгиланган эди. Айтиш жоизки, ўтган давр мобайнида инвестор корхонага қайта ҳаёт бағишлади. Дастлаб мавжуд ускуналар таъмирланган бўлса, 2008 йилда хориждан 240 минг АҚШ доллари эвазига қуруқ пиллани қайта ишловчи замонавий дастгоҳлар келтирилиб ўрнатилди. Пировардида ишлаб чиқариш ҳажми 1,5 баробар ортиб, ишчилар сони 100 нафарга етди. 2010 йили эса яна салкам 300 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилиб, ишлаб чиқариш қуввати оширилди. Бу жорий йилнинг тўққиз ойида 33 тонна, яъни 2 миллиард 32 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш, шундан 904 минг АҚШ долларилик қисмини экспорт қилиш имконини берди.

— Бозор иқтисодиёти доимо изланишни талаб этади, — дейди корхона раҳбари Аҳмаджон Худойберганов. — Аниқроғи, пухта ҳисоб-китоб асосида ишламаган, маҳсулот сифатига жиддий эътибор қаратмаган тадбиркор бозор талабларига дош беролмай қолиши мумкин. Шу боис биз модернизациялаш ишларини изчил давом эттираяпмиз.

Дарҳақиқат, корхона эндиликда жадал ривожланмоқда. Барча дастгоҳлар компьютер орқали бошқарилади. Ишчилар учун эса шарт-шароитлар етарли. Улар вилоятда етиштирилаётган пилланинг асосий қисмини қайта ишлаб, хориж бозорларига сотиш йўлида астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

АНЖУМАН

*Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан давлат мулкини ижарага бериш тартибини енгиллаштириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш мавзуида матбуот анжумани ўтказилди. Унда мазкур қўмита мутасаддилари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.*

# Давлат мулкини ижарага бериш

## иқтисодиётимизда соғлом рақобат муҳитини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда

Таъкидланганидек, иқтисодиётимизда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулкчиликнинг аҳамиятини ошириш, монополияга қарши самарали иш юритиш, умуман, рақобат муҳитини шакллантириш бугунги куннинг энг асосий масалаларидан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда республикамизда давлат мулкини ижарага бериш муносабатлари Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги қарори билан тартибга солинади. Хусусан, бу ҳужжатга кўра, қўмитанинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари ҳузурида давлат унитар корхонаси шаклидаги Давлат мулкини ижарага бериш марказлари ташкил этилиб, уларнинг зиммасига ушбу йўналишда ишни ташкил этиш, ундан тушадиган маблағларни ҳисобга олиш ва мониторингини юритиш, ижарага бериладиган давлат мулки бўйича маълумотлар базасини шакллантириш, ижара тўловининг ўз вақтида тўланишини назорат қилиш сингари бир қатор вазифалар юклатилган. Эътиборлиси шундаки, ўтган вақт мобайнида бу борада сезиларли даражада самарадорликка эришилмоқда. 2006 йилда давлат мулки объектларини ижарага беришдан тушган маблағ 1 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида бу кўрсаткич 41,7 миллиард сўмга етгани бунинг яққол тасдиғидир.

Анжуманда, шунингдек, мутахассислар томонидан давлат мулкини ижарага бериш борасидаги бошқа ўзгаришлар хусусида ҳам батафсил маълумот берилди.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Маҳалла — ислоҳотларнинг фаол иштирокчиси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**Г. АЛИМОВА,**
**"Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раисининг ўринбосари:**

— Президентимиз Ислом Каримов томонидан 2014 йил мамлакатимизда "Соғлом бола йили" деб эълон қилиниши маҳалла тизими фаоллари томонидан ҳам мамнуният билан кутиб олинди.

Таъкидлаш жоизки, мустақилликнинг дастлабки йилларидан юртимизда "Соғлом она — соғлом бола" масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Фарзандларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай таълим-тарбия олишлари, ўз билим ва иқтидорларини намоён қилишлари учун барча шарт-шароит яратиб берилмоқда. Ушбу ғамхўрликка жавобан, болаларимиз қўлга киритаётган натижалар, айниқса, ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Улар бугун ўзларининг интеллектуал ва жисмоний салоҳиятини ишга солиб, нуфузли олимпиадаларда, мусобақа ва танловларда зафар қозонишмоқда, юксак марраларни эгаллашмоқда.

Президентимиз соғлом бола тарбиясида маҳалла ва ижтимоий тузилмаларнинг ўрни катта эканлигини яна бир бор эътироф этди.

Дарҳақиқат, бугун маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, унинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлаш, ҳудудни комплекс ривожлантириш, оилаларни, айниқса, ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, "Оила — маҳалла — таълим муассасаси" ҳамкорлигини самарали ташкил этиш, маҳаллалардаги жамоатчилик комиссиялари ва "Ота-оналар университетлари" фаолиятини самарали йўлга қўйиш болаларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом, баркамол этиб вояга етказиш билан узвий боғлиқдир.

Бинобарин, янги таҳрирдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосида ишлаб чиқилган фуқаролар йиғинларининг асосий фаолият йўналишлари бўйича комиссиялари тўғрисидаги намунавий низомларда ўз ифодасини топган кенг имкониятлардан тўлақонли фойдаланиш долзарб аҳамиятга эга.

Шу ўринда давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган устувор вазифалар асосида маҳаллаларда амалга оширилаётган кенг қамровли ишларни сифат жиҳатидан юқори босқичга кўтариш, шунингдек, ушбу жараёнда "Маҳалла" фондининг қуйи тузилмалари томонидан услубий ва амалий кўмаклашишни самарали таъминлаш мақсадида комплекс чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилаётганлигини айтиш зарур.

**М. ҲАМИДОВА,**
**Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси етакчи мутахассиси:**

— Маълумки, юртимиздаги ҳар бир маҳаллада хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари ташкил этилган бўлиб, улар самарали фаолият юритиб келмоқда. Ҳозирги пайтда ушбу комиссиялар томонидан хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оилаларда маънавий муҳитни мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўламли ишлар бажарилмоқда. 2014 йил "Соғлом бола йили" деб эълон қилинди. Бу эса фуқаролар йиғинлари ходимлари, мавжуд ижтимоий тузилмалар билан бир қаторда, мазкур жамоатчилик комиссиясининг фаолият кўламини янада кенгайтиради. Зеро, соғлом онадан соғлом бола дунёга келади ва соғлом оилавий муҳитда камолга етади. Шундай экан, хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари ҳамда диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг вояга етмаганлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга кўмаклашиш борасидаги ишларини янада самарали ташкил этиш айни муддаодир.

Албатта, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш ҳамда оилаларда соғлом муҳитни кучайтириш нафақат хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари, шу билан бирга, республика Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий тузилмалари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, "Соғлом бола йили" ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказиш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларимизни изчил давом эттирган ҳолда, бу борадаги ишларни янада юқори босқичга кўтаришдек эзгу мақсадга хизмат қилиши, шубҳасиз.

**М. БАЁНОВ,**
**"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши масъул ходими:**

— Юртимизда ёшларга берилаётган улкан эътибор таҳсинга лойиқ. Буни уларга яратилаётган кенг имкониятлар ҳамда ёшларимиз қўлга киритаётган салмоқли ютуқлар мисолида яққол кўриш мумкин. Узоққа бормайлик. Куни кеча давлатимиз раҳбари томонидан 2014 йилнинг "Соғлом бола йили" деб эълон қилиниши замирида ҳам баркамол авлодни тарбиялаш мақсади мужассамдир. Бу борада, албатта, маҳалла, хусусан, фуқаролар йиғинларидаги вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссияларнинг роли беқиёс.

Хўш, вояга етмаганлар ва ёшларнинг маънавий-маърифий етук бўлиб ўсишларида, уларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга кўмаклашишда маҳалла раисининг маслаҳатчилари, жумладан, вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссиялар раҳбарлари қандай ишларни бажариши лозим?

Аввало, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини изчил йўлга қўйиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўла ҳимоя қилиш, бандлигини таъминлаш, турли фан ва спорт тўгаракларига жалб этиш, замонавий билим ҳамда касб-ҳунарларни эгаллашига кўмаклашиш каби вазифалар шулар жумласидандир. Шунинг ўзиёқ маҳалла институтининг, фуқаролар йиғинларидаги ижтимоий тузилмаларнинг фаолиятини самарали ташкил этиш нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва унинг ҳудудий кенгашларининг маҳаллалардаги вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссиялар фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича фуқаролар йиғинлари билан ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш олдимизда турган устувор вазифаларни муваффақиятли амалга оширишда муҳим омиллардан биридир.

Умуман, Президентимиз маърузасида барча йўналишлар қаторида маҳалла фаолиятига доир илгари сурилган устувор вазифалар энди иш бошлаган ва бошлайдиган фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда уларнинг маслаҳатчиларидан юксак масъулият ва ташаббускорликни талаб этади. Зеро, шиддат билан ривожланаётган замон талаблари ёш авлод тарбиясида маҳалла институтининг ўрни ва таъсирини янада оширишни тақозо қилмоқда.

**Ш. ХОЛТЎРАЕВ.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида



*Шу кунларда АҚШнинг жанубий ва шимоли-шарқий ҳудудларида кучли қор бўронлари кузатилмоқда, дейилади “Los Angeles Times” нашри хабарида.*

# Океанортида қор бўронлари

Ноқулай об-ҳаво шароити натижасида Техас, Пенсильвания, Нью-Жерси, Нью-Йорк штатларида мингдан зиёд авиарейслар бекор қилинган. Висконсин, Канзас ва Миссуридаги магистралларда автомобиллар қатнови қийинлашган, узундан-узоқ тирбандликлар юзага келган, йўл-транспорт ҳодисалари сони ортган. Қурбонлар бор. Кўплаб аҳоли пунктлари электр таъминотидан узилиб қолган. Баъзи жойларда таълим муассасалари вақтинча ёпилган.

Мамлакат миллий метеорология хизмати мутахассислари яқин кунларда яна ёғингарчилик кузатилиши ҳақида хабар қилди.

# Ноодатий хавфсизлик ёстиқчаси

*Япониянинг “Honda” компанияси мобиль телефонлари тушиб кетган пайтда унинг экрани ва корпусини шикастланишдан ҳимояловчи хавфсизлик ёстиқчасининг прототипини яратди.*

“Case N” номини олган ушбу технология телефоннинг тушиш вақтини зумда аниқлайдиган датчик билан жиҳозланган. Хавфсизлик ёстиқчаси 0,2 сония ичида очилади. “Honda” муҳандисларининг сўзларига кўра, бу мобиль алоқа бозоридаги биринчи шундай ихтиродир.

Уни оммавий ишлаб чиқариш режалаштирилаётгани йўқ. Гап шундаки, “Case N”нинг намойиш этилиши “Honda”нинг “Ҳамма учун хавфсизлик” (“Safety for Everyone”) номли концепциясининг рекламаси ҳисобланади. Яъни шу орқали компания ўз моделларидаги хавфсизлик тизими ишончлилигига ишора қилмоқда.

*ФИФА мавсум якунлари бўйича дунёнинг энг яхши футболчисига аталган “Олтин тўп” совринини қўлга киритиш учун курашадиган якуний учта номзод номини эълон қилди.*

# «Олтин тўп»га учта даъвогар



Булар Аргентина терма жамоаси ва “Барселона” (Испания) клуби ҳужумчиси Лионель Месси, Франция терма жамоаси ҳамда “Бавария” (Германия) клуби аъзоси Франк Рибери, шунингдек, Португалия терма жамоаси ҳамда “Реал” (Испания) клуби вакили Криштиану Роналдудир.

Месси ҳозирги кунга қадар тўрт бор “Олтин тўп”га сазовор бўлган. Аммо жароҳати туфайли кўпгина ўйинларни ўтказиб юборгани учун бу гал унинг имконияти пастроқ баҳоланмоқда. Шундай экан, асосий рақобат поёнига етаётган йилда Европанинг энг яхши ўйинчиси сифатида эътироф этилган Рибери ҳамда Роналду ўртасида кечади. Гарчи Роналду ушбу мавсум “Реал” таркибида бирор бир совринни қўлга киритмаган бўлсада, терма жамоада ажойиб ўйин кўрсатмоқда.

“Олтин тўп” эгасининг номи 2014 йил 13 январь куни маълум бўлади.

# Бахтсиз ҳодиса

*Хитойнинг Шэньчжэнь шаҳридаги озиқ-овқат маҳсулотлари бозорида ёнғин рўй берди.*

Маҳаллий “Синьхуа” ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра, бахтсиз ҳодиса оқибатида 15 киши ҳаётдан кўз юмган, беш нафар одам жароҳатланган.

“Тилсиз ёв” тахминан минг квадрат метр майдонни қамраб олган. Уни бартараф этиш ишига 145 нафар ўт ўчирувчи ва 29 та махсус техника сафарбар қилинган. Бир ярим соатдан кейингина ёнғин сўндирилган. Воқеанинг келиб чиқиш сабаблари ўрганилмоқда.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

## ИЗЛАНИШ

*“Эртанги картошка етиштиришда Шофирконда Фахриддин отага тенг келадигани йўқ”, дейишади қишлоқ одамлари.*

# Оммалашаётган тажриба

Уларнинг айтганича бор. Чунки бу миришкор деҳқон ернинг тилини ҳам, ишнинг кўзини ҳам билади.

— Биз ҳозирданоқ уруғлик картошкани томорқага экиб қўйганмиз, — дейди Фахриддин Исомов. — Ҳали қишнинг аёзли кунлари олдинда-ку, деб ҳайрон бўлманг. Совуқ урмайди. Негаки, пушталарни дарахт барглари билан ёпганмиз. Шамол учирмаслиги учун хазон япроқлар устига енгилгина тупроқ ҳам сепганмиз. Бундай шароитда картошка бутун қиш давомида тупроқда илдиз ташлаб туради. Эрта баҳорда эса авж олиб ўсади. Ҳосили февраль ойи охирида экилганига қараганда ўн — ўн беш кун аввал тайёр бўлади. Биз шу усулни қўллаб, ҳар килограмм уруғлик картошкадан ўн икки килограммгача ҳосил олишга эришаяпмиз. Бухоро иқлим шароитида бу яхши натижа.

Отахон мевали дарахт кўчатларини кўкламда эмас, ноябрь-декабрь ойларида ўтказишни ҳам йўлга қўйиб, ўз тажрибасини қишлоқдошлари билан баҳам кўрмоқда.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


## «Universal auktsion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали аукцион савдоларига таклиф этади.

2014 йил 15 январь куни соат 11.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига Шўрчи тумани СИБ томонидан ФИБ Денов туманлараро судининг 2012 йил 21 июндаги 3939-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, «ЛАДА 21074-110-30» русумли, давлат рақами 01 614 DAA бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 14 861 028 сўм.***

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан бир кун олдин соат 11.00 да тўхтатилади.

2013 йил 30 декабрь куни соат 11.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

* ЖИБ Сурхондарё вилояти судининг 2012 йил 28 ноябрдаги 2-64-12-сонли ижро варақасига асосан, Узун тумани СИБ томонидан хатланган, Узун тумани ИИБда сақланаётган, 1970 йилда ишлаб чиқарилган, «ВАЗ-2101» русумли, давлат рақами 19 F 35 19.

***Бошланғич баҳоси — 1 800 000 сўм.***

* ФИБ Сариосиё туманлараро судининг 2013 йил 17 майдаги 01-748, 01-745 ва 01-747-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Узун тумани ОАТБ «Микрокредитбанк»да сақланаётган:

— 2009 йилда ишлаб чиқарилган, «Matiz MX» русумли, давлат рақами 75 R 533 AA.

***Бошланғич баҳоси — 21 500 000 сўм.***

— 1998 йилда ишлаб чиқарилган, «Tico» русумли, давлат рақами 75 Y 873 AA.

***Бошланғич баҳоси — 10 203 966 сўм.***

— 1985 йилда ишлаб чиқарилган, «ВАЗ-2107» русумли, давлат рақами 19 A 5878.

***Бошланғич баҳоси — 6 737 182 сўм.***

— 1985 йилда ишлаб чиқарилган, «МТЗ 80 Х» русумли трактор, давлат рақами 05-45 CH.

***Бошланғич баҳоси — 18 500 000 сўм.***

* Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2013 йил 15 апрелдаги 19-1306/1166-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Узун тумани, «Агротехсервис» ММТП МЧЖда сақланаётган, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «CLAAS DOMINATOR-130» русумли комбайн, давлат рақами 04-94 ЕЦ.

***Бошланғич баҳоси — 51 425 743 сўм.***

* Термиз шаҳар СИБ томонидан:

— ЖИБ Қизириқ тумани судининг 2013 йил 23 апрелдаги ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳар ИИБ ЙҲХБ жарима майдончасида сақланаётган, «ВАЗ11183-110-20» русумли, давлат рақами 75 G 702 DA.

***Бошланғич баҳоси — 18 360 000 сўм.***

— ЖИБ Сариосиё тумани судининг 2013 йил 30 августдаги 2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳри, «Сурхондарё таъминбутлаш» МЧЖда сақланаётган, «Tico» русумли, давлат рақамисиз.

***Бошланғич баҳоси — 1 750 000 сўм.***

Юқоридаги мулклар 2013 йил 30 декабрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2014 йил 15 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 27 декабрь куни соат 15.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Universal auktsion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ХОАББ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги МФО: 01063, СТИР: 302083379, 20208000204932168018 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, шунингдек, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Термиз шаҳри, «Тадбиркорлар маркази».

**Мурожаат учун телефон: (+99893) 792-78-18.** *Гувоҳнома № 004059.*

## POS-ТИЗИМЛАРИ АВТОМАТЛАШТИРИШ

Micros® Ўзбекистондаги расмий ҳамкор




***ЖИҲОЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА АВТОМАТЛАШТИРИШ:***

- савдо жойлари (магазинлар/супермаркетлар);
- бутик, ноозиқ-овқат маҳсулотлари савдоси;
- ресторанлар, кафе, барлар;
- фитнес-клублар, бильярдхоналар, боулинг ва бошқалар.

**Моноблоклар, кассалар, штрих-код сканерлари, чеклар принтерлари, савдо тарозилари.**

**Дастурий таъминот: Atol, Microinvest, Айтида. Автоматлаштириш «калити билан».**

*Маҳсулот сертификатланган*

**- Кичик Бешёғоч к., 86 (олдинги шаҳар ГАИси қаршисида), тел.: (+998 71) 200-34-34 (қўш. 850, 858), факс: 281-43-65.**

**www.micros.uz; e-mail: scales@ucd.uz, micros@ucd.uz**

● Реклама ва эълонлар ●

*Давлат, хусусий ва мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига!*

## Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

### ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

**Танлов предмети**

- Компьютер, периферия ва ташкилий техникаларга техник хизмат кўрсатиш;
- АРМ «Наряд» ва АРМ «Бухгалтерия» махсус дастурий таъминотларини кузатиш (доимий ишлашини таъминлаш).

**ХИЗМАТ КЎРСАТИШ**

Таклифларни қабул қилиш муддати — 2013 йил 30 декабрга қадар.

Таклифларни бериш муддати Ўзбекистон Республикаси ИИВ Моддий-техника таъминоти бошқармаси билан келишилган ҳолда, ўрнатилган тартибда узайтирилиши мумкин.

**Барча саволлар бўйича Ўзбекистон Республикаси ИИВ Моддий-техника таъминоти бошқармасига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 8 10 (998 71) 231-49-73, 252-30-36, 255-78-24. Факс: 8 10 (998 71) 281-43-73 (74) E-mail: umts@mvd.uz**

## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Жиззах вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Зарбдор тумани СИБ томонидан Жиззах вилояти хўжалик судининг 2010 йил 25 мартдаги 13-1004/6375-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Фарҳод ва Кичик ҳалқа йўли кўчаларида жойлашган, «Зарбдор Элеватор» АЖга қарашли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 824 257 753 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 30 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 27 декабрь куни соат 18.00.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулк билан Зарбдор тумани суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Жиззах вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Жиззах вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22626000804920609001, МФО: 00122, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 39-уй. Телефон: (8-372) 222-34-16. www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.*

## «ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАР ОЧМОҚДА!

O‘ZBEKISTON havo yo‘llari

**ТОШКЕНТ – ВОЛГОГРАД – ТОШКЕНТ**

*ҳар ҳафтанинг чоршанба кунлари*

**УРГАНЧ – ВОЛГОГРАД – УРГАНЧ**

*ҳар ҳафтанинг шанба кунлари*




**+99871 140-02-00**
**www.uzairways.com**

Сертификат № СЭ1-О

*«Ўзбекистон ҳаво йўллари» — хавфсизлик, барқарорлик, қулайлик!*

## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Ғузор тумани СИБ томонидан ЖИБ Қашқадарё вилояти судининг 2010 йил 10 майдаги 2-32-09/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ғузор тумани, С. Раҳимов маҳалласида жойлашган, умумий майдони 20200,0 кв.м., қурилиш майдони 6480,36 кв.м. бўлган, қурилиши тугалланмаган «Ғузор ипак йўли» савдо мажмуаси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 222 200 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 27 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 25 декабрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Қашқадарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609009, МФО: 00190, СТИР: 207122519.

**Манзил: Қарши шаҳри, «Қарлиқхона» МФЙ, Тошсарой кўчаси, 20-уй. Телефон: (8-375) 225-44-58. www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.*

## «Тошкент труба заводи» ҚК



**ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотади.**

**(нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган).**



**Сув ва газ ўтказувчи қувурлар —** ГОСТ 10705-80, Ø 15 — 114 мм., баҳоси 1 тонна учун 3 250 000 сўмдан бошлаб.

**Газ ва нефть ўтказувчи қувурлар —** ГОСТ 20295-85, Ø 159 — 337 мм., баҳоси 1 тонна учун 3 500 000 сўмдан бошлаб.

**Квадрат кесимидаги пўлат қувурлар —** ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20х20, 25х25, 30х30, 40х40, 50х50, 60х60, 80х80, 100х100, 150х150, 170х170.

**Тўғри бурчак кесимидаги пўлат қувурлар —** ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30х20, 40х25, 50х25, 30х60, 40х60, 40х80, 50х100, 60х80, 60х100, 80х120, 80х150, 60х125. Девор қалинлиги 1,0 — 4,0 мм., баҳоси 1 тонна учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

Бундан ташқари, қўшма корхона «API-5L» стандарти бўйича ишлаб чиқарилаётган Ø 325 мм.дан Ø 1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм.гача бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурларни харидорларга таклиф этади. Баҳоси — 1 тонна учун 3 950 000 сўм.

**МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.**

**Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.**

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.** 9.00 дан 18.00 гача 232-11-15, 236-09-25. E-mail: reklama@xs.uz


Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети жамоаси Таржима назарияси ва амалиёти факультети декани Севара Зияевага падари бузруквори

**АНВАР отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# БАРКАМОЛ АВЛОД САОДАТИ

**фарзандларимизни жисмоний ва маънавий етук қилиб тарбиялаш борасида амалга оширилаётган эзгу ишларда ўз ифодасини топмоқда**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бугунги кунда Ўзбекистонимизда аҳолининг саводхонлик даражаси деярли 100 фоизга тенг эканлиги ҳам жуда кўп нарсани англатади. Ёки Франциядаги “Инссад” халқаро бизнес мактабининг Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти билан ҳамкорликда тайёрлаган 2012 йилги “Инновацияларнинг глобал индекси” маърузасида Ўзбекистон 141 мамлакат орасида инсон капиталини ривожлантириш даражаси бўйича 35-ўринни, таълим тизимини ривожлантириш даражаси бўйича 2-ўринни эгаллагани бежиз эмас. Бу юртимизда баркамол авлодни тарбиялаш йўлида олиб борилаётган оқилона сиёсатнинг халқаро эътирофидир.

Кўп кузатамиз, Президентимиз қачонки ёшлар ҳақида гапирсалар, уларни “Менинг болаларим, менинг фарзандларим”, дея таъкидлайдилар. Айтинг, мана шундай меҳр, бундай эътибор яна қаерда бор?! Ушбу ғамхўрликнинг амалий ифодаларига мисол сифатида давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан ўрин олган айрим рақамларни келтирсак: 2013 йилда мамлакатимизда 756 та таълим маскани, мусиқа ва санъат мактаблари, болалар спорти объектлари янгитдан қурилди, реконструкция қилинди ва капитал таъмирланди. Замонавий компьютер синфлари, ўқув лабораториялари, устахоналар ташкил этилиб, зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Жорий йилда 300 мингга яқин бола, жумладан, Оролбўйи ҳудудидан 4 минг 500 нафар ўқувчи ҳамда кам таъминланган оилаларга мансуб 75 минг нафар боланинг ёзги оромгоҳларда имтиёзли дам олиши ташкил этилиб, уларнинг саломатлиги мустаҳкамланди.

Булар фақат бир йил давомида амалга оширилган ишлар, холос. Ушбу рақамлар замирида қанча куч, қанча маблағ ва меҳнат ётганини ҳис этиш қийин эмас.

Гап фарзанд тарбияси ҳақида борар экан, ўта нозик бу масаланинг муҳим қисми сифатида спортни алоҳида тилга оламиз. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, биз болалар спортини таълим-тарбия жараёни билан мутаносиб равишда изчил ривожлантиришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик ва бу йўлда кенг кўламли ишларни амалга ошириб келмоқдамиз.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилгани ана шу саъй-ҳаракатлар самарасидир. Мазкур жамғарма республикамизнинг барча ҳудудларида жисмоний тарбия ва спортнинг моддий-техник базасини шакллантириш ҳамда мустаҳкамлаш, умумтаълим мактаблари қошида, шунингдек, аҳоли яшаш жойларида замонавий спорт мажмуаларини бунёд этиш, уларни бугунги кун талабига мос спорт анжомлари билан жиҳозлаш, ушбу иншоотлардан самарали фойдаланишни таъминлаш каби кўплаб вазифаларни рўёбга чиқараяпти.

Ҳозирги пайтда янгитдан бунёд этилган болалар спорти объектларида фаолият кўрсатаётган 57,5 мингдан ортиқ спорт секцияларида 1 миллион 800 минг нафардан зиёд болалар спорт билан шуғулланмоқда. Сўнгги ўн йилда мактаб ўқувчиларини жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига жалб этиш 20,4 фоиздан 40,5 фоизга ўсди. Ўз навбатида, қишлоқларда спорт билан мунтазам шуғулланаётган ўғил-қизлар сони 2003 йилдагига нисбатан икки баробар кўпайди.

Ўтган вақт давомида тўпланган тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ўғил-қизларимизнинг спортга қизиқиши ва меҳрини айни болалик давридан уйғотган тақдирдагина спорт ҳар қайси одамнинг ҳаётида доимий ҳамроҳга айланишига эришиш мумкин. Эрта ёшдан бошлаб спорт билан мунтазам шуғулланадиган болалар жисмонан соғлом бўлиб вояга етади. Шу аснода аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш учун катта имкониятлар пайдо бўлади.

Албатта, болаларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этишда уларнинг ёши, жинси, анатомик ҳамда физиологик хусусиятлари алоҳида эътиборга олинаётгани ўз натижасини бераётир. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган “Баркамол авлодни шакллантиришда жисмоний тарбия ва спортнинг тиббий асослари” номли услубий қўлланма фарзандини қайси ёшдан қандай спорт турига бериш ҳақида ўйлаётган ота-оналар учун зарурий восита вазифасини ўтамоқда.

— Умумий жисмоний тайёргарлик куч, тезлик, чидамлилик, чаққонлик каби сифатларни ривожлантиради, — дейди Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази директори Дилором Аҳмедова. — Мисол учун, сузиш таянч-ҳаракат аъзоларига ижобий таъсир ўтказади, суяк-мушак тизими ва танани чиниқтиради, ўпка-бронх касалликларининг олдини олишга ёрдам беради. Спорт гимнастикаси ва бадиий гимнастика қоматни гўзал қилади, назокат билан ҳаракатланишга ўргатади, вестибуляр аъзо (ички қулоқда жойлашган, бош ва гавда мувозанатини идора қиладиган орган) ва мушак фаолиятини яхшилайди. Қизларимизга, асосан, мазкур спорт турлари тавсия этилишининг боиси ҳам шунда. Теннис, бадминтон, стол тенниси тезкорлик, қисқа фурсатларда аниқ қарор қабул қилиш қобилиятини шакллантиради. Шахмат-шашка эса ақлни чархлайди, хотирани мустаҳкамлайди. Бошқа спорт турларида ҳам шундай ўзига хос хусусиятлар мавжуд. Ишлаб чиқилган тавсияларда ана шу спорт турлари билан қайси ёшдан бошлаб шуғулланиш мақсадга мувофиқлиги чуқур таҳлиллар асосида очиб берилган. Қисқача айтганда, жаҳон стандартларидан келиб чиққан ҳолда тузилган ёш авлоднинг кун тартиби, тўғри овқатланиши, мос спорт турини танлаши, бу борада олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари “Соғлом авлод — соғлом келажак” тамойилининг мазмунини ўзида яққол ифодалайди.

— Муассасамизда футбол, миллий кураш, қўл тўпи, шахмат-шашка, бадиий гимнастика, рақс каби тўгараклар фаолияти йўлга қўйилган, — дейди пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 496-мактабгача таълим муассасаси мудираси Мавлуда Абдукаримова. — Болажонларнинг қизиқишидан келиб чиқиб, уларни ана шу тўгаракларлардан бирортасига йўналтирамиз. Машғулотларни ҳам болаларга мос тарзда, яъни жисмоний ва руҳий жиҳатдан оғирлик қилмайдиган усуллардан фойдаланган ҳолда олиб борамиз. Масалан, ўғил болаларда футбол, шахмат-шашка, миллий курашга иштиёқ кучли. Қизалоқларимиз эса, табиийки, бадиий гимнастика ва рақсни маъқул кўришади. Тарбияланувчиларимизнинг ўзлаштириш қобилияти, зеҳни ниҳоятда яхши. Ҳар бир машғулотни дарров илғаб олишади. Бунда, биласизми, давлатимиз томонидан



уларнинг соғлом, хавфсиз ва рационал овқатланишини таъминлашга қаратилаётган эътиборнинг ҳам алоҳида ўрни бор, деб ўйлайман. Чунки бола белгиланган меъёр асосида витаминларга, фойдали озуқаларга бой озиқ-овқатни истеъмол қилсагина, унинг ақл-идроки кутилганидек ривожланади, жисмоний салоҳияти ошиб боради.

Қаранг, мамлакатимизда навқирон авлод тарбияси йўлида энг нозик жиҳатлар ҳам эътиборга олинмоқда. Бундай амалий ишлар, албатта, ўзининг тотли меваларини бераяпти. Пойтахтимизда ўтказилган 47-халқаро Менделеев олимпиадасида мамлакатимиз ўқувчилари биринчи ўринни эгаллагани, 8 яшар Нодирбек Абдусатторовнинг шахмат бўйича жаҳон чемпиони, 5 яшар Исломбек Синдоровнинг эса Осиё чемпиони бўлгани бунинг яққол тасдиғидир. Бу рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин. Ана шу муваффақиятларнинг ҳар бири қалбимизга чексиз ғурур ва ифтихор бағишлайди, Ўзбекистон ёшлари ақл-заковат, билим ва тафаккур бобида, жисмоний ҳамда маънавий етукликда ҳеч кимдан кам эмаслигини яққол тасдиқлайди.

Умуман, истиқлол даврида юртимизда эзгу мақсад билан бошланган барча ишларнинг замирида баркамол авлод орзуси мустаҳкам ўрин эгаллаганини англаш қийин эмас. Хусусан, мантиқан бири-бирига ҳамоҳанг бўлган Оила йили, Соғлом авлод йили, Оналар ва болалар йили, Ёшлар йили, Баркамол авлод йили, Мустаҳкам оила йилида улкан чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилди. Бу эзгу ишлар 2014 йил — Соғлом бола йилида ҳам изчил давом эттирилади. Бинобарин, қабул қилинажак Давлат дастурида оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, оилаларда соғлом муҳитни кучайтириш, уларнинг иқтисодий ҳамда маънавий асосларини мустаҳкамлаш, таълим-тарбия ва спортнинг ўрни ҳамда таъсирини янада кучайтириш, айниқса, қиз болалар ўртасида жисмоний тарбия ва спортга меҳр уйғотиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича аниқ тадбирларни белгилаб, амалга ошириш каби қатор муҳим вазифаларга алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун давлатимизнинг куч-қудрати ҳам, салоҳияти ҳам, албатта, етади.

**Шавкат ОРТИҚОВ.**

## ТАНЛОВ

*Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Адлия вазирликлари, бир қатор давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигида анъанавий тарзда ташкил этиб келинаётган “Конституция — бахтимиз пойдеври” республика кўрик-танлови якунига етди.*

### Конституция билимдонлари аниқланди

Ўқувчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, Асосий Қонунимизнинг мазмун-моҳиятини пухта ўрганиш, унинг инсонпарварлик, демократик ва адолатпарвар тамойилларини ёзма ишларда, тасвирий асарларда, кўргазмали воситаларда ифодалаш мақсадига қаратилган танловнинг бу йилги қуйи босқичларида 4 миллион нафардан зиёд ўқувчи қатнашди.

Танловнинг республика босқичидаги қизғин баҳслардан сўнг иншо йўналишида биринчи ўрин Иштихон туманидаги 2-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Шоҳруҳ Азизхоновга, тасвирий санъат йўналишида эса Бухоро шаҳридаги 34-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Жонибек Камоловга насиб этди. Шунингдек, турли номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

**Шавкат ХЎЖАҚУЛОВ.**

## КЎРГАЗМА

*Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида таниқли рассом Алишер Мирзаевнинг “Нақшинкор олам” деб номланган шахсий кўргазмаси очилди.*

### «Нақшинкор олам» чорлайди

Кўргазмадан мусаввир томонидан турли йилларда яратилган юздан зиёд асарлар ўрин олган бўлиб, улар орасида рангтасвир, графика, манзара, портрет жанридаги картиналар мавжуд. Рассомнинг “Композиция”, “Самарқанд”, “Табаррук Бухоро”, “Сўқоқлик қиз” каби ижод намуналари бадиий тасвир санъати ихлосмандларида ўзгача таассурот қолдирмоқда.

**Моҳира АДИЗОВА.**

# Ютуқлар пойдевори

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Она шаҳрим Нуротада миллий ҳунармандчиликнинг кўплаб турлари, хусусан, каштачилик яхши ривожланган бўлиб, у истиқлол йилларида нафақат қайта тикланди, балки бундай касб-кор эгаларининг меҳнати қадр топди, эл орасида обрўси ортди. Бунга ўзимнинг меҳнат фаолиятим давомида яна бир карра гувоҳ бўлдим.

Гап шундаки, камтарона хизматларим юқори баҳоланиб, давлатимиз раҳбарининг Фармонига мувофиқ, мустақиллигимизнинг 22 йиллиги арафасида “Шуҳрат” медали билан тақдирландим. Бундан бошим кўкка етди, эртанги кунга ишончим янада мустаҳкамланиб, касбимга бўлган меҳрим ошди. Билдирилган юксак ишончни оқлашга, бунга меҳнат муваффақиятларим билан жавоб қайтаришга аҳд қилиб, шу йўлда тинмай изланаяпман.

Айни пайтда бизнинг оилавий корхонамизда 10 нафардан ортиқ хотин-қизнинг бандлиги таъминланган. Уларнинг ишга сидқидилдан ёндашуви туфайли 40 турдаги миллий каштачилик маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилди. Буларнинг барчаси табиий мато ва ипакдан тикилгани, гул ва нақшларининг ўзига хослиги, игна ёрдамида туширилаётган ранго-ранг тасвирлар ўзаро уйғунликда яхлит манзара кашф этиши билан алоҳида ажралиб туради. Шу боис кашталаримизга ташқи бозорда ҳам талаб ниҳоятда катта.

Президентимизнинг маърузаси билан батафсил танишиб чиққач, янги-янги ғоялар туғилди. Шу асосда 2014 йил — Соғлом бола йили учун режа ишлаб чиқаяпмиз. Фаолиятимизни янада кенгайтириш, янги йўналишларга қўл уриш ниятида амалий саъй-ҳаракатларни бошлаб юбордик. Бунинг самараси ўлароқ, яқинда хориждан замонавий технологик ускуна олиб келинади. Унинг ёрдамида турли ўлчамдаги экспортбоп ипак гиламлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

Илк маҳсулотимиз юртдошларимизга Янги йил совғамиз бўлади, деган умиддамиз.

**Облоқул ТЎРАҚУЛОВ,**
**Нурота туманидаги «Муаззам Сарбон келажаги» оилавий корхонаси раҳбари, «Шуҳрат» медали соҳиби.**




Реклама




Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1254. 74 560 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 21.55 1 2 3 4 5